

Антонио Гутерреш мусулмонларни ҳимоя қилмоқда



07:46 / 19.03.2021 1972

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Антонио Гутерреш исломофобияга қарши халқаро кунга бағишланган баёнотида «Оммавий ахборот воситалари ва ҳокимиятдаги баъзи одамлар мусулмонларга нисбатан хуружларни кучайтирмоқда» деди.

lqna.ir манбасининг хабарига кўра, Антонио Гутерреш Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) томонидан Халқаро Исломофобияга қарши кураш кун муносабати билан ўтказилган юқори даражадаги онлайн тадбирда нутқ сўзлаган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши ҳисоботида мусулмонларга нисбатан нафрат ва камситиш ҳолатининг кучайиб боришига эътибор қаратганлигини айтиб, Гутерреш мусулмон аёллар жинси, этник келиб чиқиши ва эътиқоди сабаб камситилганини таъкидлади.

«Афсуски, ОАВ ва ҳокимиятдаги баъзи одамлар мусулмонларга нисбатан умумий тарафкашликни кучайтирмоқда», деди Антонио Гутерреш.

Мусулмонларга қарши ақидапарастлик дунё бўйлаб тобора кучайиб бораётган этник миллатчилик ва нео-нацизм каби бошқа тенденцияларга мос келишини таъкидлаб: «Шуни ёдда тутингки, мурасасизликнинг кўплаб намоишлари расмий статистикада акс этмаслиги мумкин. Аммо бу ҳаракатлар одамларнинг қадр-қиммати ва бизнинг умумий инсониятимизга путур етказди», деб ўз фикрини давом эттирган БМТ Бош қотиби.

Хуршид Маъруф тайёрлади